



2016 yil "19" mart № 97

Farg'ona shahri

**Вилоят худудларида ҳайвонларни карантинга қўйиш  
коидаларини тасдиқлаш тўғрисида**

Вилоят худудида ҳайвонлар касалликларини тарқалишини олдини олиш, ахоли истеъмоли учун чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлашда унинг ҳафғизлигини таъминлаш, шунингдек юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда ҳолатларни ўз вактида олдини олиш ҳамда масъул шахсларнинг жавобгарлигини ошириш максадида, Ўзбекистон Республикасининг «Ветеринария тўғрисида»ги Конуни, «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги Кодекснинг б-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Конунининг б-моддасига асосан

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Вилоят худудида ҳайвонларни карантинга қўйиш коидалари иловага мувофиқ тасдиқлансан.

2. Туман ва шаҳарлар ҳокимлеклари, вилоят Давлат Ветеринария бошқармаси (Валиев), мулкчилик шаклидан катъий назар, ҳайвонларни парвариш килаётган ахоли, ёрдамчи, дехқон ва чорвачиликка ихтисослаштирилган фермер ҳўжаликлари ҳамда корхона, ташкилотлар раҳбарларига:

вилоят худудига киритилган барча турдаги ҳайвонларда, худудий давлат ветеринария хизмати назорати остида керакли ташхис текширувлари ўтказилишини;

аник худуд учун тузилган эпизоотик касалликларга қарши тадбирлар режасига биноан, касалликларни олдини олиш бўйича иммунитетни кўтарувчи барча чоралар кўрилишини;

карантин вақтида ҳайвонларнинг ҳар бир бошини тана ҳароратини ўлчаш билан бирга, клиник кўрикдан ўтказилиши ҳамда ушбу муддатда белгиланган ветеринария-санитария тадбирлари ўтказилгандан кейингина согилиши ёки тарқатилиши йўлга қўйилишини;

зоогигиена талабларига мувофиқ ҳайвонларнинг тегишли тартибда сакланиши ва озиқлантирилишини, шунингдек уларни саклаш бўйича мавжуд йўриқнома, қўлланма ва кўрсатмалар асосида мажбурий даволаш, касалликнинг олдини олиш тадбирлари ўз вақтида ўтказилишини;

давлат ветеринария хизматининг талабига биноан, ҳайвонларни текшириш учун кўрсатиш, диагностик текшириш, даволаш ва профилактик тадбирларни ўтказиш ҳамда уларни рўйхатга олининиши таъминлаш, янги ҳайвон сотиб олинганлиги тўғрисида, ҳайвонларнинг тўсатдан ўлиши, касалланиши ёки уларда ғайритабии ҳолатлар пайдо бўлган ҳолларда дарҳол ҳабар беришни таъминлаш вазифалари юқлатилсиз.

3. Вилоят Ички ишлар бошқармаси (Султанов), вилоят Давлат Ветеринария бошқармаси (Валиев), Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш Бош бошқармаси Фаргона вилоят бўлими (Абдухоликов) вилоятдаги ҳайвон бозорларига сотиш учун олиб келинган ҳайвонларни соглиги ва юқумли касалликларга эмланганлиги тўғрисидаги ветеринария врачанинг белгиланган тартибда расмийлаштирилган маълумотномаси асосида сотишга руҳсат этилиши устидан назоратни кучайтирунлар.

4. Вилоят Давлат Ветеринария бошқармаси (Валиев), вилоят давлат Санитария ва эпидемиология назорати маркази (Якубов) кишлоқ хўжалик ҳайвонларини уй шароитида бокилишида ахолини тозаликка ва ветеринария-санитария қоидаларига риоя килиш бўйича маданиятини ошириш юзасидан таргигот ва ташвиқот ишларини кеңг кўламда олиб борсинлар.

5. Вилоят Молия бошқармаси (Ортиков), вилоят Давлат Ветеринария бошқармаси (Валиев) билан биргаликда жойлардаги ветеринария бўлимлари ва лабораторияларининг моддий-техника базасини замонавий асбоб-ускуналар, автотранспорт воситалари билап босқичма-босқич жихозлаб, мустаҳкамлаб бориш бўйича теснифоти чораларни курсин.

6. Вилоят ҳокимлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими худудий бошқармаси (Ходдаров), вилоят Давлат Ветеринария бошқармаси (Валиев) билан биргаликда ветеринария соҳаси бўйича кадрлар билан таъминланганлик масаласини ўрганиб чиқиб, ўрганиш натижаси асосида кадрларни салоҳиятига кўра иш билан таъминлаш ва уларнинг касбий маҳоратини ошириш бўйича ўкув амалий семинарларини ўтказсин.

7. “Ветеринария тўғрисида”ги Конун ҳужжатлари бузилишида айборд бўлган шахслар Ўзбекистон Республикасининг конун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлиши кўрсатиб ўтилсин.

8. Мазкур қарор “Фаргона ҳақиқати” ва “Ферганская правда” газеталарида расмий эълон килинсин ҳамда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

9. Белгилансинки, ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

10. Ушбу қарорнинг бажарилиши юзасидан назорат вилоят ҳокимининг ўринбосари С.Кўчкоров зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими

Ш.Ғаниев

## Ҳайвонларни карантинга қўйиш қоидалари

### I. Умумий қоидалар

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг “Ветеринария тўғрисида”ги қонуни, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 6-моддасига асосан вилоядта ҳайвонларни карантинга қўйиш ва бошқа ветеринария-санитария қоидаларига риоя қилинишини белгилайди.

### II. Ҳайвонларнинг юкумли касалликлари тарқалганида карантин ёки чеклашлар

1. Шахар, туманларни, вилоятни ҳайвонларнинг юкумли касалликлари тарқалганлиги жиҳатидан ёмон ахволда деб эълон килиш ҳамда уларда карантин ёки бошқа чеклашлар ўрнатиш тегишили бош Давлат инспекторларининг тақдимномасига биноан халқ депутатлари вилоят Кенгаши ёки вилоят ҳокимининг қарори билан амалга оширилади.

2. Ҳайвонларни юкумли касалликлар билан оғриши батамом тўхтаганидан кейин карантин ёки чеклашлар ўрнатилган худудда зарур ветеринария-санитария тадбирлари амалга оширилгандан (касалликларга қарши кураш қўлланмаларида кўрсатилган муддат ўтганидан) сўнг тегишили бош Давлат ветеринария инспекторларининг тақдимномасига биноан карантин ёки чеклашлар ўрнатган халқ депутатлари вилоят Кенгаши ёки ҳокимнинг қарори билан карантин ёки чеклашлар бекор килинади.

3. Ҳайвонларнинг юкумли касалликлари тарқалгани аниқланган ҳолларда туман (шахар) давлат ветеринария инспекторининг тақдимномасига биноан шахар, туман ҳокимликларининг қарорлари билан айрим подалар, отарлар, уюрлар, қўралар, фермалар, хўжаликлар, корхоналар, темир йўл бекатлари, аэропортлар, қишлоқ ва қўргонларнинг худудлари ҳайвонларнинг юкумли касалликлари тарқалганлиги жиҳатидан ёмон ахволда деб эълон килинади ҳамда уларда карантин ёки зарур чеклашлар ўрнатилади.

4. Карантин ёки чеклашлар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирилиги хузуридаги Давлат ветеринария бош бошкармаси томонидан тасдиқланган ҳайвонларнинг юкумли касалликлари рўйхати асосида амалга оширилади.

5. Юридик ва жисмоний шахслар;

карантин ёки чеклов эълон қилиш тўғрисидаги қарорлар билан белгиланган тартиб ва қоидаларга риоя этишлари ҳамда ўзларига юклатилган согломлаштириш тадбирларини тўлиқ амалга оширишлари;

истемолчилар соглиги учун хавфли бўлган моддалар ёки юқумли касаллик кўзгатувчи микроблар билан ифлосланган ёхуд зааррланган чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши ва сотилишини истисно этувчи хайвонлар гигиенаси нормаларини бажаришлари ва ветеринария-санитария қоидаларига риоя этишлари;

хайвон сотиб олинганда ёки олиб келинганда 1 кун муддатда ўз худудидаги ветеринария хизматида рўйхатга қўйишлари;

хайвонларнинг тўсатдан ўлиши ёки гайриодатий хатти-харакати тўғрисида муайян худудга хизмат кўрсатувчи тегишли ветеринария хизматига зудлик билан хабар қилишлари;

ветеринария хизматининг хайвонларни юқумли касалликлардан муҳофаза этиш юзасидан берган кўрсатмаларини бажаришлари ҳамда карантинга доир тегишли тадбирлар ва бошқа ветеринария тадбирлари ўтказилишини таъминлашлари, шунингдек даволаш-профилактика ишловларини тўлиқ ҳажмда ўтказишлари;

чорвачилик фермаларини, ҳайвонлар ҳамда чорвачилик маҳсулотлари сакланадиган бинолар ва бошқа иншоотларни лозим бўлган ветеринария-санитария ҳолатида саклашлари, уларда дезинфекциялаш, дезинсекциялаш ва дератизациялаш ишларини ўз вақтида ўтказишлари, шунингдек ўлган хайвонлар жасадини йигиштириб олишлари ва йўқ қилиб ташлашлари шарт.

### **III. Ҳонаки ва овланадиган ҳайвонларни ҳамда паррандаларни саклаш тартиби тўғрисида**

6. Ит эгалари бўлган фуқаролар ва ташкилотлар (миллий хавфсизлик хизмати, мудофаа ва ички ишлар вазирликларининг муассасалари бундан мустасно);

хар йилнинг январь-май ойларида ўз қарамокларидаги итларни ўзлари турадиган жойдаги (ёки ташкилот жойлашган ерда) ветеринария шифохоналарига олиб келиб, қайта рўйхатдан, шунингдек ветеринария профилактикаси кўригидан ўтказишлари шарт. Ушбу хизматлар бепул бажарилади.

зотидан қатъи назар, З ойлиқдан бошлаб итлар вакцинация қилиниши керак.

янги сотиб олинган итлар, агар улар вакцинация қилинган муддат номаълум бўлса, сотиб олингандан кейин бир ҳафта муддатда вакцинация қилиниши ва рўйхатга олиниши керак.

7. Итлар ва мушукларни сотиб олиш, сотиш, ушбу ҳайвонларнинг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва уларнинг саломатлиги тўғрисидаги ветеринария хужжати мавжуд бўлган, карантин ҳолати юз бермаган вактдагина рухсат этилади. Итлар ва мушукларни сотишга факат маҳсус ажратилган жойлардагина рухсат берилади.

8. Вилоят Давлат ветеринария бошқармаси ва худудий бўлимлари шаҳар, туманлар бўйича итлар рўйхатини олади. Итларнинг эгаларига, уларни сақлаш қоидаларини тушунтиради ва рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани такдим этади.

9. Итлар ва мушукларнинг эгалари куйидагиларни бажаришга мажбурдир:

итларни алохиди ажратилган ҳудудда маҳкам бояланган ва чиқиб кетмайдиган ҳолатда саклаш;

итларни калта занжирга бояланган, тумшук банди кийгизилган ҳолда факатгина катта ёшдаги шахслар ҳовлига ёки кўчага олиб чиқиши мумкин. Максус ажратиб берган жойлардагина итлар сайр килишига рухсат этилади.

итларни савдо, умумий овқатланиш обьектлари, мактаблар, хиёбонлар, пляжлар, стадионлар, спорт ва болалар майдончалари, бозорлар, лифтларга олиб кирмаслик;

хонадонлар, зинапоя майдончалари, кўчалар, ҳовлилар ва умумий фойдаланиладиган бошқа жойларни итлар ва мушукларнинг ифлос қилишига йўл кўймаслик (бу ҳайвонларнинг эгалари ҳар қандай ҳолларда, уларнинг чиқиндиларини дархол йўқотишлари лозим).

итлар ва мушуклар касал бўлганда ёхуд нобуд бўлганда (уларни жасадларини) шахар ва туман ветеринария бўлимига олиб бориш (ўлган ит ва мушукларни кўмиш ёки чиқариб ташлаш ман этилади);

итлар ва мушукларни каровсиз қолдирмаслик, улар кўпайиб кетганда шахар ва туман ветеринария бўлимларига хабар бериш;

шахар ва туман ветеринария бўлимининг талаби билан итлар ва мушукларни кўрсатиш, диагностика текширувига, эмлашга олиб бориш.

10. Ташкилот, корхона ва муассасаларга, туман ветеринария хизматига албатта хабардор қилинган ҳолда кўриклиш итларини саклашга рухсат берилади. Бундай ҳолда итлар маҳкам бояланган бўлиши, болалар ва бу жойларга келувчиларни яқин йўлатмаслик лозим. Ана шу муассасаларнинг ходимларига ўзларига тегишли бўлган итларни, шу муассасанинг ҳудудида саклашлари тақиқланади.

11. Факат шаҳар ва туман ветеринария хизматининг рухсати билангина ҳайвонларни виварий, питомник ва ҳайвонлар бурчакларида саклашга ижозат берилади.

12. Итлар ва мушукларни умумий яшайдиган ҳовлиларда, умумий фойдаланадиган жойлар ва очик майдонларда (ошхона, коридор, айвон, балкон, лоджия, зинапоя, чердак ва ертўлалар)да саклаш ман этилади.

13. Итлар қайси зотга мансуб бўлишидан, кимга тегишли бўлиши ва қандай максадда бокилаётганилигидан қатъи назар, бўйинбоги ва тумшук банди бўлса ҳам, агар улар кўчалар, майдонлар, хиёбонлар, ҳовли ва бошқа жамоат жойларида эгаларисиз пайдо бўлиб қолса, шунингдек бокилаётган хонадондан ташқарида юрган мушуклар дайди саналади ва ушлаб олиб кетилади.

Белгиланган мухлатда рўйхатдан ўтказилмаган ҳамда кутуриш касаллигига карши эмланмаган итлар ветеринария назорати ходимлари томонидан сўзсиз олиб кетилади ва йўқ қилиб юборилади.

14. Дайди итлар ва мушукларни тутиш ишларини шаҳар ва туман Ободонлаштириш бошқармалари бажаради.

15. Одамлар ёки ҳайвонларни тишлаб олган ит ва бошқа ҳайвонлар ўз эгалари томонидан зудлик билан кўрикдан ўтказилиши учун туман ветеринария шифохонасига олиб борилиши шарт.

Ветеринария кузатуви (10 кун давом этади) тугагач, ветеринария кузатувлари натижалари хамда тишлаб олиш сабабларини аникланишига кўра ит ва бошқа ҳайвонлар эгаларига қайтариб берилади.

Эгалари белгиланган коидага риоя этмаганлиги сабабли кишиларни тишлаб олган, ўз вактида рўйхатдан ўтказилмаган итлар ва мушуклар шаҳар ва туман ветеринария бўлимлари томонидан тутиб олинади.

16. Чорва моллари, уй ҳайвонлари ва паррандаларнинг эгалари куйидаги шартларга риоя килишлари шарт:

а). Ушбу бўлимнинг 1,2,4 - бандларига риоя қилиш;

б) Чорва моллари, паррандалар, уй ҳайвонларини алоҳида жихозланган биноларда саклаш, бу бинолар даволаш-профилактика, ўкув, маданий- оқартув муассасалари, бозорлар, озиқ-овқат дўконлари, умумий овқатланиш биноларидан камида 100 метр нарида, турар жойлардан эса 15-20 метр узоқликда бўлиши, паррандалар боқиладиган жойларни ердан 5 метр баландликда сим тўр билан ўраш;

г) Ҳайвонлар ва паррандаларнинг бинолари, шунингдек уларнинг атрофини озода саклаш;

д) Молхоналарни пашибага қарши ишловдан ўтказиш максадида ҳар илии шаҳар ва туман дезинфекция станциялари ва бошқа маҳсус корхоналар билан гўнг ва бошқа чиққиндиларни олиб чиқиб кетиш юзасидан шартномалар тузиш;

е) Чорва молларини сўйиши фақат ўрнатилган тартибда, күшхоналарда, сўйиш майдончаларида амалга ошириш.

17. Куйидагилар ман этилади:

а) Чорва моллари ва асалариларни ташкилот, идора ва муассасалар худудида саклаш;

б) Кўп қаватли уйлар ва жамоа бўлиб яшаладиган ҳовлида асалари бокиши;

в) Ёввойи, йиртқич ҳайвонларни боқиши.

18. Барча идораларга қарашли бинолари, маҳалла фуқаролар йигини раислари, шахсий уй эгалари куйидагиларга амал килишлари шарт:

а) Рўйхатга олиш ва итларни қайта рўйхатдан ўтказишдан бош тортган шахслар, шунингдек, хонаки ва уй ҳайвонларини саклаш коидаларини бузган кишилар устидан далолатнома тузиш. Тузилган далолатномаларни шаҳар ва туман ички ишлар бўлимларига тақдим этиш ва бу ҳақида ветеринария бўлимига маълум қилиш;

хонадонлар худудида итларни сайр эттириб юриладиган маҳсус жой ажратиши;

хонадонлар худудида дайди ит ва мушукларнинг пайдо бўлишига йўл қўймаслик;

б) Ертўлалар, чердаклар ва бошқа ёрдамчи хоналарга ҳайвонлар кирмаслиги учун уларни ёпиб қўйиш ёхуд тўр билан тўсиши;

в) ҚФЙ ва МФЙлар ўз ҳудудида хонадонларда истикомат қилувчи барча фуқароларни уй ҳайвонлари ва паррандаларни саклаш қоидалари билан таништириши.

19. Кўргазма ва мусобақалар ташкил этиш, итларни жамоа бўлиб ўргатишга фақатгина шаҳар ва туман ветеринария бўлимларининг рухсати билангина амалга оширилишига йўл кўйилади.

#### **IV. Якунловчи қоидалар**

20. Ушбу қоидалар бузилишида айбдор бўлган шахслар Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексида назарда тутилган жавобгарликка тортилади.